



Ойбек АХМЕДОВ

ИНГЛИЗЧА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНЛАРИНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШДА ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Мақолада инглиз тилидаги солиқ-божхона терминларини ўзбек тилига таржима қилишда лексик-семантик, функционал-структуралар хусусиятлари тадқиқ этилган. Шунингдек, соҳа терминологик тизими унинг семантик майдон ядроси ва перифериясини ташкил этувчи, терминологик бирликларни ифодаладиган бир қанча лексик-семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган. Терминларни лексик-семантик гуруҳларга ажратишда бир компонентли ва кўп компонентли терминлар ҳамда сўз бирикма шаклидаги термин бирикмаларининг қайси сўз туркумларидан (от, сифат, феъл) ташкил топганига алоҳида аҳамият берилган. Терминларнинг соҳалараро интеграцияси жараёнидаги семантик ўзгаришлар — маъно доирасининг кенгайиши ва торайиши натижасида юз берадиган детерминологизация ва ретерминологизация ҳодисаларининг юзага келиши терминларни таржима қилиш жараёнини қийинлаштирувчи омил сифатида тўхталиб ўтилган. Терминлар ифодаладиган тушунчаларни соҳа ходимлари тўғри ва хатосиз тушунишлари ва англашлари учун айрим тавсиялар берилган. Терминологик бирликларни таржима қилишда омонимлик, синонимлик ва полисемантик хусусиятлар мақбул, меъёрий ҳолат эмаслиги, таржимада уларнинг маъновий доминантлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эканлигига ҳам урғу берилган. Омонимлик хусусиятига эга бўлган лексемаларни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгиришда ўзига хос мураккабликка дуч келиниши амалий мисоллар орқали ёритилган. Чунки семантик усулда ҳосил бўлган лексема-терминлар ўз асл маъноси билан биргаликда қўшимча маъноларни ҳам ташийди. Бу ҳол таржима жараёнида терминнинг матнга мос маъносини тез ва осон илғаб олишни қийинлаштиради. Бундай мураккаб ҳолатни четлаб ўтиш учун омоним лексема маълум соҳа термини сифатида қўлланаётганини назарда тутиш лозим бўлиши қайд этилган. Шу маънода, таржимон, аввало, ҳар бир лисоний восита ва бирликнинг фонетик, грамматик хусусиятлари, лексик-семантик маъно ва моҳияти, вазифасини матн ва луғат ёрдамида аниқлаб талқин этиши, сўнгра ўз тилида унга монанд лисоний бирлик танлай олиши лозимлиги таъкидланади. Мақолада омоним терминлардан ташқари омограф терминлар ҳам таҳлилга тортилган. Бундан ташқари, стилистик хусусиятга эга бўлган солиқ-божхона терминларини таржима қилиш бутунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланганлиги боис мазкур соҳага оид икки тилли ва изоҳли луғатларни яратиш юзаси илгари сурилган.

Калит сўзлар: таржима, муқобиллик, термин, терминологик тизим, солиқ ва божхона терминлари, лексик-семантик хусусият, лексема, семантик майдон.

В данной статье рассматривается анализ лексико-семантических, функциональных и структурных особенностей налоговых и таможенных терминов при переводе с английского

Ойбек Аҳмедов — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти, филология фанлари доктори. **E-mail:** ahmedov.oybek@mail.ru

на узбекский язык, а также терминологическая система сферы, ее семантическое поле и периферия, проанализированные способом деления на несколько лексико-семантических групп, представляющих налоговые и таможенные терминологические единицы. В частности, однокомпонентные и многокомпонентные терминологические единицы были подчеркнуты при разделении на лексико-семантические группы и они были затронуты как особая точка при анализе терминологических единиц, согласно которым части речи принадлежат к соответствующей грамматической категории (существительное, прилагательное, глагол и т.д.).

Помимо этого, изучены лингвистические явления, которые называются детерминологизация и ретерминологизация, как усложняющий фактор в переводе терминов и в процессе междисциплинарной интеграции терминов из-за расширения и сужения значения терминологических единиц.

Также были даны рекомендации для сотрудников налоговой и таможенной служб, чтобы правильно использовать терминологические единицы и не допускать ошибок в их устной и письменной речи. В статье подчеркивается существование омонимов и полисемантических лексем в терминологии как неприемлемая ситуация, особенно при переводе налоговых и таможенных терминов. Они затронуты как препятствие для адекватного перевода некоторых терминологических единиц. С этой точки зрения важно обратить внимание на их нейтральность и смысловую доминантность.

Лексемы, которые имеют омонимические особенности, проиллюстрированы практическими примерами в статье из-за сложных моментов в процессе перевода терминологических единиц, потому что некоторые лексемы, кроме их первоначальных значений, которые сформированы семантическим образом, также несут дополнительные значения. Это затрудняет быстрое и простое понимание смысла терминологических единиц в процессе перевода. Далее стоит избегать этой сложной ситуации, чтобы правильно отразить определенный термин, который используется как термин для конкретной области.

Поэтому, в первую очередь, переводчик должен уметь интерпретировать и знать фонетические, грамматические особенности, лексико-семантические значения и сущность каждой лингвистической единицы и средств перевода. Переводчики должны обладать функциональной компетенцией для определения правильного значения терминологических единиц из контекста и словаря, а затем должны выбрать соответствующую лингвистическую единицу на своем родном языке. В статье также обсуждается использование неоднозначных терминологических единиц. Также предлагается перевод стилистических налоговых и таможенных терминологических единиц, которые стали одной из актуальных проблем сегодняшнего дня, и дали идею составления двуязычных, толковых и справочных книг и словарей в данной сфере в будущем.

Ключевые слова: перевод, эквивалентность, термины, терминологическая система, налоговые и таможенные термины, лексико-семантические особенности, лексема, семантическое поле.

This article deals with analysis of lexical-semantic, functional and structural peculiarities/features of tax and customs terms in translation from English into Uzbek. As well as terminological system of the sphere, its semantic field and periphery have been analyzed by dividing into several lexical-semantic groups that represent tax and customs terminological units. Particularly, mono-componential and poly-componential terminological units have been stressed while dividing into lexical-semantic groups and they were touched upon as a special point while analyzing terminological units according to which parts of speech they belong to (noun, adjective, verb etc.). Besides it, the linguistic phenomena that called determinologization and reterminologization were considered as a complicating factor in translation of terms and in the process of interdisciplinary integration of terms because of the expansion and

narrowing meaning of the terminological units.

As well as some recommendations were given for tax and customs staff/employees in order to use terminological units in correct way and not to make mistakes (blunders) in their oral and written speech. The article highlights existing homonyms and poly-semantic lexemes in the terminology as an abnormal situation, especially in translation of tax and customs terms. They were touched upon as an obstacle in order to translate some terminological units adequately. From this point, it is important to pay attention to their neutrality and meaning dominance.

The lexemes that have homonymic features were illustrated by practical examples in the article because of complicated phenomena in the process of terminological units. Because some lexemes which were formed in semantic way also carry additional meanings except its original meaning. This makes it difficult to quickly and easily understand the meaning of terminological units in the translation process. From this point, it is worth to avoid this complex situation in order to reflect the definite term that is used as a term for a specific field. Therefore, first of all the interpreter/translator must interpret and be aware of the phonetic, grammatical peculiarities/properties, lexical-semantic meanings and essence of each linguistic unit and means. Translators must acquire functional competence to identify correct meaning of terminological units due to the context and dictionary and then should select an appropriate linguistic unit in their own language. The article also discusses the use of ambiguous terms, as well as terminological terms. It is also suggested that the translation of stylistic tax-customs terminological units that have become one of the topical/pressing issues of today and given the idea of compiling bilingual and reference books and dictionaries in the field.

Key words: translation, equivalency, term, terminological system, tax and customs terms, lexical-semantic peculiarities/features, lexeme, semantic field.

Тилшуносликда терминларни тўғри таржима қилиш муайян соҳага оид матнларнинг асосий бирлиги сифатида қўлланаётган лексемаларнинг ҳам тўғри таржима қилинишининг зарурий шарти ҳисобланади. Шунга боғлиқ ҳолда мутахассисликка оид матнлар билан ишлаш жараёнида тегишли соҳа мутахассиси бўлмаган шахсларда терминларни тўғри ва адекват таржима қилиш ҳамда тушуниш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келиши шубҳасиз. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳар қандай терминологик тизим мунтазам шаклда ривожланиб ва янгиланиб туради. Мулоқот доирасида фаоллик хусусиятини йўқотган айрим терминлар бошқа бир аниқ, талабга жавоб берадиган терминлар билан алмаштирилади, муомаладан чиқиб кетган бошқа терминларнинг ўрнини эса янги термин-неологизмларнинг эгаллаши тилшунослик қонуниятларидан бири ҳисобланади. Инглиз тили СБ¹ терминологик тизимида лексик-семантик табиатини сақлаган, интеграл хусусиятга эга терминлар ифодаляётган тушунчанинг ўзига хос белгиси таржимада яққол кўриниб туради. Шунинг учун улар соҳа амалиёти билан боғлиқ маълумотларни узатишда қўл келади ва уларни тўғри тушуниш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириляётган аксарият бирикмали терминлар ўзбек тилида ҳам кўп таркибли сўз бирикмалар орқали ифода этилишини тақозо этади. Бунинг эса, ўз навбатида,

1 Мақолада СБ қисқартмаси “солиқ ва божхона” маъносида қўлланилди.

терминологиядаги бир таркибли терминларнинг лексик шаклини синтактик мураккабланишига олиб келган дейиш мумкин. Давр ўтиши билан архаик терминларнинг қўлланиши ҳам муайян даражада чеклаган. Масалан: ҳар қандай давлатнинг иқтисодий таянчи бўлган *tax¹ – duty – солиқ ва бож* тизимлар номи бундан 200-300 йил илгари инглиз тилида *reparation, contribution – тоvon – ўлшон* – солғут терминлари билан ифодалар эди. Улар бугунги кунда архаик лексемалар қаторидан ўрин олган терминлар ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг давлат бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий тузилмасида кечаётган қатор ўзгариш, ислоҳот ва янгиликлар туфайли солиқ ва божхона тизимлари қайта шаклланди ва солиқ турларини номлаш жараёни ҳам мураккабланди. Бу эса СБ тизими амалиёти такомиллашиб кенгайиб бораётгани, тўланадиган ҳамда йиғиладиган солиқларни ифодаловчи тушунчаларни сўз бирикма тарзида ифода этиш заруратини келтириб чиқарди. Натижада, архаизмга айланган терминларнинг семантик доирасида кенг тушунчани ифодалаш мумкин бўлмагани боис тил лексикасида *tax – солиқ (ўлшон)* термини иштирокида унинг муқобиллигини таъминловчи бир қатор термин бирикмалар юзага келди. Жумладан: *"advance corporation tax" – корпорациянинг олдиндан тўлайдиган солиғи*, *"agricultural tax" – қишлоқ хўжалик солиғи*, *"alcohol tax" – спиртли ичимликлар учун олинадиган солиқ*, *"capital gains tax" – сармоянинг бозор қиймати ошганлиги учун олинадиган солиқ*, *"capital transfer tax" – сармояни бошқа бировга ўтказиш солиғи*, *"cargo tax" – юк йиғими*, *"consumption tax" – истеъмол солиғи*, *"deferred tax" – муддати кейинга сурилган солиқ*, *"effluent tax" – атроф-муҳитни ифлослайдиган чиқиндилар учун солинадиган солиқ*, *"emergency tax" – фавқулодда солиқ*, *"equalization tax" – турли хил қимматли қўғозлар бўйича тўловларни бараварлаштириш мақсадида ундириладиган солиқ*, *"flat tax" – ягона ставка бўйича ундириладиган солиқ*, *"franchise tax" – мутлақ ҳуқуқлар ва имтиёзлар учун солинадиган солиқ*, *"gift tax" – ҳадя солиғи*, *"graduated tax" – ошиб борувчи ставка бўйича ундириладиган солиқ*, *"hidden taxes" – ноошкора солиқлар (билвосита солиқлар, бож йиғимлари)*, *"matured tax" – тўлов муддати етиб келган солиқ*, *"multiple stages tax" – кўп босқичли солиқ*, *"payroll tax" – ижтимоий суғурта мақсадлари учун иш ҳақидан ундириладиган солиқ*, *"real estate tax" – кўчмас мулк солиғи*, *"selective employment tax" – муайян тоифадаги ходимларни белгиланган меъёрдан ташқари ёлланганлик учун тадбиркорлардан олинадиган солиқ*, *"stamp tax/duty" – давлат йиғими (гербовый сбор)*, *"turnover tax" – савдо айланма солиғи*, *"withholding tax" – дивиденд солиғи ва бошқалар.*

Юқоридаги терминлар интеграл хусусиятга эга бўлиб, уларни ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилиш мумкин. Шунинг учун бундай терминлар таржимада ҳеч кимга ҳеч қандай мураккаблик ва қийинчилик туғдирмайди. Уларни айти

¹ Солиқ ва божхона соҳаларига оид айрим тарихий адабиётлар ва луғатларда *tax-taxo* (лот: "I estimate, determine" – баҳолайман, нархини белгилайман), *duty* - *duete, deu, due* (late middle English *duete*, from Old French *deu, due*) шаклида берилган.

пайтда бир нечта лексик-семантик гуруҳлар (ЛСГ)га ажратиб, қўидаги шаклда бериш мақсадга мувофиқ¹.

1- ЛСГ. Direct taxes - бевосита солиқлар. Бунга *tax on legal entities' income* – “юридик шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ”, *tax on physical persons' income* – “жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ”, *unified tax paid by commercial and public catering corporations* - “савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар”, *unified tax paid by mini corporations and micro firms* – “кичик корхона ва микрофирмалар тўлайдиган ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар” кабилар.

2- ЛСГ. Indirect taxes – билвосита солиқлар. Бунга *value added tax* – “қўшилган қиймат солиғи”, *excise tax* – “акциз солиғи”, *customs duties* – “божхона пошлиналари”, *motorvehicle tax* – “жисмоний шахслар томонидан автотранспорт воситалари учун сотиб олинган (бензин, газ, дизель ёнилғиси) ёқилғи солиғи” ни киритиш мумкин.

3- ЛСГ. Payment of resource and property tax – ресурс тўловлари ва мулк солиғи. Бунга *property tax* – “мол-мулк солиғи”, *land tax* – “ер солиғи”, *tax on used under the earth resources* – “ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ”, *tax on used water resources* – “сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ” тааллуқли.

Инглиз тили СБ терминлари билан боғлиқ интеграл хусусиятга эга бундай тушунчаларни ҳар доим ҳам якка сўздан иборат лексема билан ифодалаш мумкин бўлавермагани учун аксарият ҳолларда улар икки ва ундан ортиқ сўз бирикмаси орқали ифодаланади.

Аслида, терминлар ҳар қандай соҳа доирасида ишлатилганда лексик шакли ўзгаришсиз қўлланаверади, бироқ муайян соҳа доирасида уларга айнан шу соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, термин сифатида ёндашиш ва қўллаш лозим. Масалан, *function* – функция сўзини кўп маъноли термин сифатида эмас, балки терминологик омонимлар, соҳалараро юз берадиган ретерминизация (ретерминлашув) ҳодисасига учраганлигини эътиборга олган ҳолда талқин қилиш тўғри бўлади. Терминологияда ретерминлашув (лотинча: *ге префикси* “қайта; янгидан, яна” маъноларини англатади) деб аталган ҳодиса қатъийлашган бўлиб, уни ўзбек тилида “қайта терминлашув”, деб аташ мумкин.

Бундай лисоний ҳодиса жараёнида у ёки бу терминнинг иккинчи бир соҳага кўчиб ўтиши, умумтерминологик маъносидан нисбатан торроқ бўлган соҳавий маънони акс эттириши, ўзлашиши тушунилади. Инглиз тили СБ терминологиясида ретерминлашув ҳодисаси кам учраса-да, лисоний воқелик сифатида соҳалараро терминологик тизимларни такомиллаштириб, бойитишга хизмат қилмоқда.

¹ Терминлар таржимаси “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори матни асосида амалга оширилди.

Инглиз тили лексикаси таркибига кирувчи СБ терминологиясини семантик майдонларга ажратиб, термин шаклидаги сема ва концептларни икки тил (инглиз-ўзбек) лексикографияси нуқтаи назаридан таржима ва таҳлил қилиш терминологик сатҳни яхлит система сифатида тадқиқ этиш имконини беради. Маълумки, муайян семантик майдонни ҳосил қилувчи терминлар махсус терминологик тизимни ташкил қилади ва семантик майдон ядроси ва перифериясига ажратилади. Ядро у ёки бу лексеманинг, изоҳли луғатларда келтирилган сўзнинг луғавий маъноси ҳисобланса, периферия эса лексеманинг коннотатив ва прагматик хусусиятларини ифодалайди. Яъни, семантик майдон периферияси терминологик бирликларнинг ёндош маъноларини ташкил қилади.

Шу маънода, биз инглиз тили СБ семантик майдон ядроси ва перифериясини ташкил этадиган терминологик бирликларни ифодаловчи бешта лексик-семантик (ЛСГ)ни ажратиб таҳлил қилдик:

1- ЛСГ. СБ тизими амалиётида ходимларнинг функционал масъуллигини семантик майдон ядроси деб олсак, унинг периферияси бир компонентли лексемалар ҳамда изофали бирикма компонентдан таркиб топган терминлар орқали ифодаланади.

Масалан: *"check"* – назорат, текширув, *"eport"* – ҳисобот (ҳисобот бериш), *"analysis of the balance"* – балансни таҳлил қилиш, *comparing volume of the goods* – “товар ҳажмини таққослаш”, *statistic information* – “статистик маълумот”, *permission for cargo transit* – “юкни ўтишига рухсат этиш” ва ҳ.к.

2- ЛСГ. Мазкур гуруҳда СБ тизими фаолияти жараёнида қўлланувчи расмий ҳужжат номлари семантик майдон ядроси бўлиб, биринчи гуруҳдан фарқли тарзда бир компонентли термин-лексемалар иштирок этади.

Ўжумладан: *act* – “далолатнома, баённома”, *order* – “ордер (буйруқ варақаси)”, *licence* – “рухсатнома (лицензия)”, *declaration* – “декларация”, *certificate* – “гувоҳнома (сертификат)”, *contract* – “шартнома”, *transaction* – “келишув”, *documents* – “ҳужжатлар”, *fax* – “факс”, *telex* – “телекс”, *copy* – “нусха”, *consignment* – “консигнация (шартнома тури)”, *advice* – “хабарнома (авизо)” ва бошқалар.

3- ЛСГ. Ушбу гуруҳда соҳа амалиётида ноқонуний ишлар натижасига нисбатан қўлланадиган терминлар семантик майдон ядроси ҳисобланади. Бу гуруҳнинг алоҳида ажратилиши терминларнинг таржимада берилишида икки компонентдан ортиқ сўз орқали талқин қилиниши ва айримларининг отлашган сўзлардан ифодаланиши билан изоҳланади.

Масалан: *fine* – “жарима (пеня) солиш”, *arrear (dodger)* – “солиқдан бўйин товловчи шахс”, *illegal products* – “ноқонуний маҳсулот”, *explanation letter* – “тушунтириш хати”, *warning* – “ҳайфсан (огоҳлантириш)”, *dismiss* – “ишдан озод этиш”, *crucial* – “ҳал қилувчи (қарор қилувчи)”, *sack* – “ишдан бўшатиш; камомад (етишмовчилик)” ва бошқалар.

4- ЛСГ. Бу гуруҳнинг юқоридагидан фарқи шуки, СБ терминлари ўз таркибига қўмита, бошқарма, бош бошқарма ва солиқ идоралари сингари ташки-

лот номларини ўз таркибига иккиламчи компонент сифатида бириктирган ҳолда қўлланади.

Жумладан: *tax committee* – “солиқ қўмитаси”, *customs committee* – “божхона қўмитаси”, *tax head (boarding) office* – “солиқ бошқармаси”, *customs offices* – “божхона идоралари”, *tax department on counter action to illegal tax and currency income* – “солиқ ва валютага қарши қурашиш департаменти”, *tax inspection* – “солиқ инспекцияси”, *customs departments (branches)* – “божхона шўъбалари” ва бошқалар.

5- ЛСГ. Бу гуруҳга кирувчи СБ терминлар соҳа амалиётида фаол қўлланувчи маъмурий (мансаб) лавозимларини англатувчи терминларни қамраб олади. Одатда, у ёки бу лавозимни ифодаловчи инглизча терминларнинг лексик-семантик хусусияти ва компоненти таржима жараёнида тўлалигича сақланади.

Масалан: *chairman of the committee* – “қўмита раиси”, *deputies of the chairman* – “қўмита раиси ўринбосарлари”, *heads of offices* – “идора бошлиқлари”, *heads of inspections* – “инспекция бошлиқлари”, *heads of customs departments* – “божхона бўлим бошлиқлари”, *senior inspector* – “катта нозир”, *inspector* – “нозир (инспектор)” ва бошқалар.

Юқорида келтирилган мисоллар шунни кўрсатадики, СБ соҳаси терминлари субстантив (от ва отлашган) ярусдан таркиб топган бўлиб, улар бир компонентли, жуфт ва кўп компонентли терминлар бўлиши мумкин. Терминлар ифодалайдиган тушунчаларни соҳа ходимлари тўғри ва хатосиз тушунишлари ва англашлари учун, аввало, СБ соҳасининг таркибий тузилмалари ва амалиётига оид билимлардан етарли даражада бохабар бўлишлари керак. Бундан ташқари, улар экстралингвистик ва интралингвистик маълумотларга ҳам эга бўлишлари талаб этилади.

Умуман, СБ тизимига оид матнлар таржимасида соҳа терминларининг ўз кўринишига кўра оддий, сўз бирикма, қўшма ва мураккаб шаклларда қўлланади. СБ терминларини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгиришда махсус изоҳли луғатлардан фойдаланиш мақбул усул ҳисобланади. Масалан: *cycle* (оборот, айланма, давр, цикл) таянч лексема билан учрайдиган қуйидаги бирикмали терминларни кузатишимиз мумкин: *cycles in general business activities* – “умум бизнес фаолият айланмаси”, *budget cycle* – “бюджет айланмаси”, *basic cycle* – “асосий оборот”, *economic cycle* – “иқтисодиёт айланма”, *investment cycle* – “сармоя (инвестиция) айланмаси”, *accounting cycle* – “бухгалтерия айланмаси”, *capital cycle* – “маблағ айланмаси”, *building cycle* – “қурилиш тармоғи айланмаси”, *control cycle* – “текширув орасидаги танаффус, назорат доираси”, *decennial cycle* – “ўн йиллик айланма (цикл)”, *delivery cycle* – “етказиб бериш даври (цикли)”, *design cycle* – “лойиҳа доираси”, *development cycle* – “ривожланиш доираси”, *life cycle* – “ҳаёт айланаси (цикли)”, *machine cycle* – “машина айланаси”, *major business cycle* – “асосий бизнес обороти”, *minor business cycle* – “кичик бизнес обороти”, *operating cycle* – “ишлаб чиқариш, амалиёт доираси”, *price cycle* – “нарх-наво айланмаси”, *procurement cycle* – “харид қилиш цикли”, *running cycle* – “иш цикли”, *trade cycle* – “савдо ай-

ланмаси”, *turnover cycle* — “оборот айланмаси”, *work cycle* — “иш фаолият доираси”, *cycle of money* — “пул обороти (айланмаси)”, *cycle of reproduction* — “қайта ишлаб чиқариш айланмаси”, *development cycle* — “ривожлантириш обороти” ва бошқалар.

Кўринадики, *cycle* таянч лексемаси муайян термин таркибида иштирок этиб, ёндош лексемалар билан бирга қўлланганда ўзининг лексик-семантик, функционал хусусиятларини ва асл маъносини йўқотмайди. Бироқ, *liability* терминида бундай ҳолат қўзатиб бериб қўйилмайди. Ушбу терминни матн ичида қўллаганда ва таржима жараёнида трансформацион усул асосида ўзгартириб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инглизча *liability* термини ўзбек тилида: 1) “жавобгарлик”, “бурч”, “масъулият”; 2) “харажатга, чиқимга сабабчи бўладиган шахс ёки нарса”; 3) “мажбурият, қарз, қарздорлик”, 4) “бухгалтерия балансининг пассив (ўнг) томони” каби семаларни ўзида акс эттиради.

Инглиз тилида: “*our liability is limited to making good, by repair or replacement, only defects caused by faulty design, materials or workmanship, during normal and proper use of the equipment*”[5; 26-б.].

Ўзбек тилида: жиҳоз яхши ва мукамал ишлаши учун лойиҳадаги камчиликлардан ташқари унинг қисмларини таъмирлаш ёки янгисига алмаштиришда имкониятимиз чекланган.

Инглиз тилида: “*at the expiration of the guarantee period all further liability on our part ceases*”[5; 28-б.].

Ўзбек тилида: кафолат муддати тугаши билан сизга бериладиган кўмак ҳам тўхтатилади.

“*Liability insurance*” — “суғурта мажбурияти” сўз бирикмаси шаклида қўлланганда, уни тўғри тушуниш мақсадида аввало, ўзак сўз *insurance* — суғурта лексемасининг соҳага тааллуқли маъносини лўғатдан қараш керак. *Liability* лексемаси ёндош сўзлар билан бирикма ҳосил қилган ҳолларда ўзак сўз билан берилган бирикмалардан мазкур таянч сўзнинг маъносини тўғри танлаб олиш бирикмали терминларнинг таржима қилиш қулайлигини юзага келтиради. Масалан, инглиз тилидаги *bond* ўзак сўз билан учрайдиган *fiduciary bond* — ишончли гаров иборасини *bond* қаторидан қидирадиган бўлсак, у ерда 25 дан ортиқ турли бирикмаларни учратамиз. Шулар орасидан таққослаш йўли орқали керакли бўлган сўз, ибора ва бирикма шаклидаги терминларни матн талабига мос шаклда таржима жараёнида ажратиб оламиз.

Ҳар қандай терминологик бириклар таржимасида омонимлик мақбул, меъёрий ҳолат ҳисобланмаслиги шу соҳа тили ҳали такомилга етмагандан дарак беради[6; 33-б.]. Лекин, терминлараро омонимияга йўл қўйилади, чунки бунда омонимларнинг ҳар бири муайян терминологик тизимда ўзига хос изоҳга, лўғатда эса ўзига хос талқинга эга бўлади.

Омонимлар билан полисемантик сўзлар полуфункционаллик хусусиятга эга бўлганлиги сабабли айрим ҳолларда, амалиётда омонимия ва полисемия

ҳодисаларини чалкаштириш ҳолатлари мавжуд. Бу эса уларнинг таркибидаги терминлик маъносини илғаб олишни ҳам қийинлаштиради.

Таржимада бир омонимик қаторга уюшиб, нутқда қўлланиш даражаси фаол бўлган лисоний воситалардан бири матндан ташқарида эътироф этилганда, тингловчи унинг маъносини ажратишда иккиланиб қолади. Фаоллик даражаси ҳар хил омонимлар матн вазиятида эътироф этилганда мулоқот жараёнида кўпроқ учрайдиган ва ишлатиладиган маъно таржимон кўз ўнгида намоён бўлади. Бироқ матн таркибидаги омонимларнинг қайси бир маъносидан фойдаланилаётганлигига аниқлик киритилса, таржима жараёни учун қулай шароит яратилган бўлади. Тадқиқотимизга доир (инглиз тилида 40 та, ўзбек тилида 25 та) қўйидаги СБ соҳасига оид омоним терминларни келтиришимиз мумкин.

Масалан: **"balance"** — мувозанат, тенглик, мувофиқлик, **"balance"** — қолдиқ, сальдо, **balance** — муайян фирма ёки корхонанинг маълум бир муддат давридаги кирим-чиқим кўрсаткичларининг нисбати, **"balance"** — банкдаги ҳисоб. Шунингдек, **"duty"** — вазифа, бурч, топшириқ, хизмат мажбурияти, **"duty"** — бож. Тўлиқ омонимлар матндан ташқарида эътироф этилганида омонимик лексемалардан қайси бири назарда тутилаётгани маълум бўлмай қолиш ҳолати қўйидаги мисолларда етарлича ёритилган: **bond** — “алоқа, ришта, дўстлик”, **bond** — “облигация, (қимматли қоғоз)”, “тўлов мажбурияти”, **bond** — “бирлаштириш”, **bond** — “ёзма келишув, шартнома” каби от ва феъл сўз туркумларига мансуб омоним лексемалар қаторига ҳам тааллуқлидир. Ёки аксинча, **capacity** — “қуч (ланиш)”, **capacity** — “лавозим”, **capacity** — “касб”, **capacity** — “таъсир”, **capacity** — “ҳажм, сифм”, **capacity** — “даража”, **capacity** — “қобилият, иқтидор”, **capacity** — “сифат”, **capacity** — “имконият”, **capacity** — “компетенция, ваколат, ҳуқуқ, ихтиёр” каби омонимия қаторидаги лексемаларнинг ҳар қайсиси алоҳида эътироф этилганда (ҳар бири ўз маъносига эга), кўз ўнгимизда дарҳол мазкур омонимларнинг **capacity** — “қуч” — “қучланиш”, **duty** — “хизмат мажбурияти”, “навбатчилик” ёки **balance** — “мувозанат, тенглик” каби жонли нутқда фаол бўлган, кўпроқ учрайдиган доминант маънолари жонланади. Аммо омонимик қаторларга уюшган лисоний бирликларни нутқий вазият тақозоси билан таржима жараёнида ўз маъносига қўллаш, таржима қилинаётган тилда унга монанд терминологик бирликларни танлаш мақсадга мувофиқ. Лексеманинг мазкур соҳа билан боғлиқ вариантга етарли даражада эътибор берилмаслик, матнни турлича шарҳланиб, ҳар ким ўзи билганча таржима қилишига олиб келади.

Юқоридаги мулоҳазалар билан боғлиқ қўйидаги мисолларни келтирамыз:

Bond¹ — (connection) /noun/. A close connection joining two or more people. Ex: The bond (s) of friendship /love — дўстлик (севги) риштаси.

There has been a close bond between them ever since she saved him from drowning — уни сувга чўкишдан қутқариб қолгани боис, улар ўртасида яқин муносабат юзага келди.

In societies with strong family bonds (= friendships) – жамиятда оиланинг (дўстликнинг) кучли ришталари мавжуд.

Bond² – /verb/. Ex: "The aim was to bond the group into a closely-knit team" – Мақсад, гурӯҳни жамоага бирлаштириш эди.

The hospital gives mothers no quiet private time in which to bond with their babies – Туғуруқхона оналарга фарзандлари билан муносабатда бўлишда хотир-жамлик бермайди.

Bond³ – /verb/. "To stick materials together, especially using glue". Ex: "The new adhesive can bond (= joint) formed is watertight" – бу янги елим сув ўтказмайди.

Bond⁴ – /noun/. An official paper given by the government or a company to show that you have lent them money that they will pay back to you at an interest rate that doesn't change. Ex: I invested money in savings bonds – мен сармоямни облигация жамғармасига қўйдим.

Bond⁵ – /noun/ 1. A written agreement or promise. Ex: They have entered into a solemn bond – улар жиддий тўхтамга келишди. 2. *US. Legal: a sum of money that is paid to formally promise that someone accused of a crime and being kept in prison will appear for trial if released – жиноятда айбланиб қамалган шахс гаров пулини тўлаш орқали, суд жараёнида қатнашиш шарти билан озодликка чиқарилади.*

"The judge ordered that he post a US 10 000 bond pending his appeal of the verdict" – Суд чиқарган ҳукм (вердикт) бўйича берилган шикоятнинг натижаси эълон қилингунга қадар, судья унга 10 000 доллар миқдорда гаров (кафиллик) пули тўлаш бўйича фармон чиқарди.

Bond⁶ – /noun/. "Now, sir, we entered into a bond of confidence" – Мана, жаноб, биз сиз билан битим туздик.

Bond⁷ – /noun/. "As a result, the net revenues from selling government bonds remained practically the same in September" – Давлат қимматли қўғозларининг сотилиши натижасидаги соф даромадлар бўйича сентябрь ойида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Bond⁸ – /noun/. "These are the biggest range days in the bond market" – Шу кунларда қимматли қўғозлар бозори фаолиятининг авжига чиққан пайти.

Bond⁹ – /noun/ 1. "The ropes or chains that hold prisoners and prevent them moving around or escaping". Ex: "Loose his bonds set him free" – уни кийимлардан бўшатинг. 2. Something that prevents you from doing what you want. Ex: She longed to escape from the bonds of children and house work – у уй иши ва болалар ташвишидан қутулишни жуда хоҳлар эди.

Bond¹⁰ – /noun/ "The process by which a close emotional relationship is developed". Ex: "Much of the bonding between mother and child takes place in those early weeks" [11; 58-б.] – она ва бола ўртасидаги яқинлик (қариндошлик) туйғулари эрта уйғонади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, *bond*¹ лексемаси омоним сўз бўлиб, у махсус термин сифатида ягона маъно (қимматли қоғоз/ облигация)ни ифода-лаб келмоқда. Бироқ умумдабий тилда *bond* лексемаси ўзида кўплаб қўшимча маъноларни мужассамлаштиргани (ришта, алоқа, муносабат, келишув, битим, га-ров, кафиллик, маҳбус кишани, қарз тилхати) соҳага оид матнлар таржимасида, хусусан, синхрон таржима жараёнида эътибордан қочирилса, семантик хатолик юзага келади. Ушбу лексемани таржимада муайян соҳа термини сифатида аж-ратиб олишнинг мураккаблиги эса талаффуз жараёнида уларнинг бир-биридан фарқ қилмаслиги билан изоҳланади.

Келтирилган мисоллардан англашиладики, инглиз тили СБ терминология-сида омонимия ва полисемия муаммоси шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто ай-рим терминлар ўзининг асл маъносига тескари, қарама-қарши маънони ифода этиши ҳам кузатилади. Масалан: *lift of taxes* 1) *солиқ тўловларининг ошиши*; 2) *солиқларни бекор қилиш*. *Tax break* ҳам шундай терминлардан ҳисобла-ниб, у бир-бирига зид бўлган икки маънони ифодалайди. Унинг биринчи маъ-носи *солиқ тўлаш қоидаларини бузиш бўлса*, иккинчи маъноси эса давлат то-монидан берилган *солиқ имтиёзидир*. Кўйида келтирилган жумла таржимасига эътибор беринг.

Инглиз тилида: *There is still a large uncertainty regarding the final decision on the tax breaks and possible implications for Vankor project and we expect Rosneft's stock to continue be volatile in the upcoming weeks*[7; 53-б.].

Ўзбек тилида: *Солиқ имтиёзлари бўйича якуний хулоса ва Ванкор лойиҳаси билан боғлиқ имкониятларнинг ноаниқлиги ҳалигача сақланиб қолмоқда. Чун-дончи, Роснефти компания акциялари котировкаларининг беқарорлиги ҳам кузатилмоқда.*

Юқорида келтирилган жумладаги *tax breaks*[8; 184-б.] сингари термин-ларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи солиқ ва божхона соҳаларига оид ҳуж-жатларда, умуман, шу соҳа лексикасида кўплаб учраши касб эгалари ҳамда таржимонларнинг соҳа терминологиясига оид билим ва кўникмалари муттасил ошириб бориши зарурлигини тақозо этади.

Инглиз тили СБ терминологиясида омоним терминлардан ташқари омо-граф терминлар ҳам мавжуд. Терминологияда уларнинг салмоғи кам бўлса-да, соҳа терминологиясининг нуқсонларидан бири ҳисобланади. Чунки, *омограф* терминлар ёзилиш жиҳатдан бир-биридан мутлақо фарқ қилмайди, фақат фо-нетик жиҳатдан, талаффуз қилинишда урғу орқали фарқланади. Бундай тер-минларга қўйидагиларни киритиш мумкин: *ex'port* – товар экспорти, *'export* – экспорт қилмоқ, *ad'vance* – бўнак, аванс, *'advance* – ривожланмоқ, илғорламоқ, *pre'sent* – тақдим қилмоқ, таъминламоқ, етказиб бермоқ, *'present* – бонус, совға-салом, *ex'cess profit tax* – қўшимча фойда солиғи, *'excess baggage* – ортиқча юк.

1 Юқорида келтирилган амалий мисоллардаги *bond* термини Kate Woodford ва Guy Jackson томонидан яратилган Cambridge Advanced Dictionary (Cambridge University press/ 2003, version 10, P.458) лугатидан олинди.

Бугунги кунда солиқ-божхона соҳаларига оид ахборот ҳамда маълумотларни ўзбек тилидан инглиз тилига ва аксинча, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинаётгани ижобий ҳолат, албатта. Аммо, аксарият таржима қилинган маълумотларда СБ терминларини нотўғри талқин этиш, ўринсиз қўллаш ёхуд сўзма-сўз, компьютер ёрдамида таржима қилиш натижасида соҳа термини англатган маънони тўлақонли ифода этиш мушкул бўлган айрим вазиятлар ҳам учраб туради. Мамлакатимизда икки тил (инглиз-ўзбек)да чоп этилаётган *“Business partner”* рўзномасидан олинган қуйидаги жумлаларга эътибор қаратинг: ... *It should be observed that at the same time, in keeping with the November 30, 1996 Presidential Decree No VII-1652, “On additional stimuli and incentives granted to enterprises with foreign investment”...*

Мазкур жумланинг *“қўшимча имтиёзлар ҳамда рағбатлантиришлар берилди”*, дейилган қисмида рус тилидаги **стимулы** сўзи инглиз тилига тўғридан-тўғри афдарилган, холос. Рўзнома матнида қўлланилган *taxation of incentives* бирикмали термин *incentives of taxation* шаклида берилиши тўғри бўлади. Чунки, *“имтиёзни солиққа тортиш эмас, солиқ имтиёзи”* бўлиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли *“Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга мўлжалланган давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида”*ги Қарорига мувофиқ солиқ кодексининг 134 та моддасига қўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Мазкур ўзгаришларнинг асосий қисми ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашрдан чиқди. Инглиз тилига таржима қилинган жумлага эътибор беринг: *While translating physical persons of objects of an available housing in a category of uninhabited fund or purchase by them in the property of objects of uninhabited fund (a building, a premise (room) in a building) the tax to property of physical persons is paid under the rate established for legal entities*[9; 7-б.].

Энди, ушбу жумланинг рус тилидаги вариантга эътибор беринг: *При переводе физическими лицами объектов жилого фонда в категорию нежилого фонда или приобретения ими в собственность объектов нежилого фонда (здания, помещения в здании) налог на имущество физических лиц уплачивается по ставке, установленной для юридических лиц.*

Таъкидлаб кўрсатилган ўринлардаги терминлар номувофиқлигини изоҳсиз ҳам тушуниш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'zbekiston Respublikasi soliq kodeksi. — T., 2008. — 256 b.
2. O'zbekiston Respublikasi bojxona kodeksi . — T., 2014. — 296 b.
3. Bird R.M. Tax policy and economic development. — London, 1998. — 278 p.
4. Burg D. A World History of Tax Rebellions. Great Britain. 2004.583 p.
5. Melenskaya N. The Key to Business. — T.: 2010. — 295 p.
6. Kuchimov Sh.N. Huquqiy normalarni o'zbek tilida ifodalashning ilmiy-nazariy muammolari: Filol. fanlari doktori. ...diss. avtoref. — T., 2004. — 46 b.
7. Kruglyakova O.V. Russko-angliyskiy i anglo-russkiy slovar tamojennix terminov. — Vladivastok, 2010. — 668 s.
8. Korolkovich V.A., Korolkovich Yu.V. Anglo-russkiy slovar jivogofinansovogo-ekonomicheskogo yazika. — M., 2003. — 462 s.
9. Report on Information about Changes of Rates and Taxes and Other compulsory payments, As Well As on Separate Matters on Taxation in 2010. — T., 2010. — P.13.
10. Grass T. La traduction juridique bilingue franzaais-allemend: problematique et resolution des ambiguites terminologiques. Nancy, 1996, 325.p
11. Woodford K., Jackson G. Cambridge Advanced Dictionary. — Cambridge University press, 2003, version 10, P.458.
12. http://en.wikipedia.org/wiki/history_of_taxation_in_the_united.
13. <https://scm.ncsu.edu/scm-articles/article/glossary-of-terms-tariff-and-tax-in-international-trade>
14. http://ec.europa.eu/taxation_customs/common/publications/studies/index